

ШАХДИ БАЛАНД БУНЁДКОР ХАЛҚИМ

Бугун Ўзбекистон илғор ғоя ва ташаббуслари билан халқаро майдонда алоҳида эътироф этилмоқда. "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш иили"дан сўнг унинг мантиқий давоми сифатида бу йил "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш иили" деб номланиши бежиз эмас. Давлат дастури ва унинг ижросини таъминлашда амалга оширилаётган ишлар салмоғи минг йилларга татигулик. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли, инвестиция – иқтисодиёт драйвери дейилади.



Бу борада Сирдарё вилоятида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Яратилаётган кулайликлардан ахоли рози.

Вилоятда 2019 йил давлат дастурларига асосан тижорат банклари томонидан ажратилган 6 260 млн. сўм маблағ ҳисобидан кўп хонадонли уйларнинг атрофидаги 1 230 та ноқонуний қурилмалар бузилиб, мавжудертўлалар тозаланиб,

49 та уйнинг том, 112 та уйнинг фасад қисми, 298 та кириш йўлаклари ва 178 та уйнинг электр тақсимловчи шитлари таъмирланди ҳамда 22 та кириш йўлакларига темир эшик, 470 м² фрамугаларига пластик ромли ойналар ўрнатилди. Кўп қаватли уйларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш бўйича 24 291 м² нотурар жойлар бетон қопламаси билан қопланиб, 19 та





болалар майдончаси, 27 та тандирхоналар қуриб, битказилди ҳамда 42 та тунги ёритиш мосламалари ўрнатилди.

Республика Президентининг “Сирдарё вилоятининг Боёвут, Ховос, Мирзаобод, Сардoba ва Оқолтин туман марказлари ва аҳоли пунктларининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш” ҳақидаги қарори лойиҳаси Жаҳон банки иштирокида амалга оширилиши белгиланган. Қарорга мувофиқ лойиҳа умумий қиймати 138,65 млн. АҚШ долл., шундан Жаҳон банки кредит маблағлари 88,0 млн. АҚШ долл.ни ташкил этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 февралдаги Ислом тараққиёт банки иштирокидаги “Сирдарё вилояти Гулистон, Янгиер ва Ширин шаҳарлари канализация тизимини реконструкция қилиш ва кенгайтириш” қарори қабул қилинган. Лойиҳанинг умумий қиймати 75,54 млн. АҚШ долл., шундан чет эл инвестицияси учун 57,5 млн. АҚШ долл.ни ташкил этиб, сарфланиши режалаштирилган.

Бугунги кунда лойиҳа-смета ва тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш, маҳсус машина ва механизmlар харид қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда инвестиция сиёсатини тубдан такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш, уни амалга ошириш юзасидан замонавий, самарали ёндашув ва механизmlарни жорий этиш,

шунингдек, инвестиция жараёнларини жадаллаштириш ва, умуман, ишбилармонлик мухитини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Келгусидаги режалар ҳақида тўхталадиган бўлсақ, Президентимизнинг 2018 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида вилоятга жорий йилда 89,4 млрд. сўм республика бюджети маблағлари ҳисобидан 271,1 км сув оқава қувурлари тортилади.

2019 йил учун Инвестиция дастури асосида шаҳар ва қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлаш учун 28,8 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, 98,8 км ичимлик суви ва оқава сув қувурларининг тортилиши белгиланган.

Буғунги кунда 52,5 км масофада ичимлик суви тармоқлари, 4 дона ичимлик суви иншотлари, 4 дона сув минораси ўрнатилиб, 2 дона сув сақлаш ҳовузи таъмирланди. Пудратчи корхоналарга 13,7 млрд. сўм маблағ ўтказилиб, 16,4 млрд. сўмлик ишлар бажарилди. Ҳозирги вақтда айrim обьектларда қурилиш ишларининг сўнгги босқич ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти

ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тұғрисида"ги қарорига мувофиқ "Сирдарё вилюятининг Сирдарё, Гулистон ва Сайхунобод туманларида ичимлик суви таъминотини такомиллаштириш" истиқболли лойиҳасини амалга ошириш белгиланған. Лойиҳани Жаҳон банки кредит маблағлари ҳисобидан амалга ошириш режалаштирилған. Лойиҳа доирасида қуввати бир кечә-кундузда 15 минг m^3 сув иншоотини куриш, 4 та сув иншоотини реконструкция қилиш, 241 дона скважиналар ўрнатиш ва бошқа чора-тадбирлар күзде тутилған.

"Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" ва намунавий үй-жойлар ҳамда хизмат үйлари, массивлари ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш учун 57,7 млрд. сүм (Обод қишлоқ 35,7 млрд. сүм, Обод маҳалла 22,0 млрд. сүм) маблаг ажратылған. Вилоядта режага кўра 279,1 км сув қувурлари



тортилиши белгиланған.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, вилоядта ҳар қачонгидан-да иш қизғин. Сирдарё-ликларнинг қувончи чексиз. Сабаби, вилоядта коммунал соҳа энг оғриқли масала эди. Давлатимизнинг эътибори билан сирдарёликларнинг азалий орзулари амалга ошмоқда.

Ш.РАДЖАБОВ, К.ҮЛМАСОВ

